

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗОИТОВА ГУЛНОЗА МИРЮНУСОВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА СУЗИШ УСУЛЛАРИНИ
ЎРГАТИШНИНГ МОДУЛЬ ТУЗИЛИШИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doktor philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Зоитова Гулноза Мирюнусовна

Мактабгача ёшдаги болаларга сузиш усулларини ўргатишнинг модуль
тузилиши.....5

Зоитова Гулноза Мирюнусовна

Модульная структура обучения стилям плавания детей дошкольного
возраста.....29

Zoitova Gulnoza Miryunusovna

Modullar structure of teaching swimming styles for preschool
children.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works60

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЗОИТОВА ГУЛНОЗА МИРҲУСУВНА

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА СУЗИШ УСУЛЛАРИНИ
ЎРГАТИШНИНГ МОДУЛЬ ТУЗИЛИШИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD /Ped 826 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Эштаев Сергей Анварович
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Кошбахтиев Ильдар Ахмедович
педагогика фанлари доктори, профессор

Краснова Галина Мансуровна
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарканд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01, рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «18» снвар соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети «В» биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211594 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» снвар куни таркатилди.
(2022 йил) «18» снвар даги 1 рақамли реестр баённомаси)



М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сузиш спорти соҳасида сўнгги йиллар давомида халқаро мусобақаларда спорт натижаларининг ва рекордларининг ёш чегараларини кескин даражада пасайиши кузатилмоқда. Бугунги кунда ёш даврларнинг пасайишига олиб келган асосий омиллардан бири янги инновацион ва замонавий технологияларни тренировка жараёнига кириб келишидир. Бу ўз навбатида ёш спортчиларни сузишга ўргатишда ва мақсадли тайёрларда ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда янги ва креатив тайёрлов воситаларидан фойдаланишни талаб этади. Спорт захирасини яратиш ва мақсадли тайёрлаш ҳозирги вақтда сузиш назарияси ва услубиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда болаларни сузишга ўргатишга қаратилган кўплаб илмий тадқиқотлар, жумладан ўйин методларидан фойдаланиш, ёш сузувчиларни саралаш ва йўналтириш, юкламалар ҳажми ва шидатини оптималлаштириш, машғулот кетма-кетлигини шакллантириш, организмдаги функционал ўзгаришлар билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилмоқда. Ҳозирги вақтда мактабгача ёшдаги болаларни соғломлаштириш вазифасини ҳал қилиш ҳамда сузиш кўникмаларини шакллантириш учун турли хил ёндашув ва методлар мавжуд, бироқ, болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг спорт-соғломлаштириш босқичларида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларининг рационал техникасига ўргатиш ва ўқув-машғулот жараёнини режалаштириш восита, метод, методик усулларини танлаш билан боғлиқ муаммолар етарлича тадбиқ қилинмаган.

Республикамизда сузиш спортини ривожлантириш соҳасида ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш орқали болалар спортини ҳар томонлама ривожлантириш борасида бир қатор муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. “Ёшларни оммавий спортга кенг жалб этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим”¹. Бу борада сузишнинг оммавийлигини ошириш чора-тадбирлари, спорт-соғломлаштириш гуруҳларига болаларни қабул қилиш механизми, машғулот юкламаларини тартибга солиш, спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан бошланғич тайёрлов гуруҳларига ўтказиш меъёрлари ҳамда шуғулланувчиларнинг ёш кўрсаткичлари бўйича янги талабларни ишлаб чиқиш зарурияти юзага келмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатиш учун илмий асосланган машғулотлар, вазифалар, унда қўлланиладиган воситалар, ўқитиш методлари, машғулотларни ташкил этишнинг самарали шакллари, ўқув юкламаларини тартибга солиш ҳамда жорий ва босқичли назорат меъёрларини ишлаб чиқиш ушбу соҳада берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-сон “Соғлом турмуш тарзини кенг тадбиқ этиш ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида “Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, халқаро мусобақаларга тайёргарликни кучайтириш масалалари”га бағишланган видеоселектор йиғилишдаги нутқи 2018 йил 21 сентябрь “Халқ сўзи” газетаси Б. 1-2.

Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июндаги ПҚ-3031-сон “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 январдаги 8-сон “Тошкент шаҳри сузиш ҳавзалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 3 майдаги 333-сон “Спортнинг сузиш турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 7 августдаги 468-сон “2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Махалий мутахассислар Г.М. Краснова, В.М. Корбут, Р.Г. Исраилова ва бошқа бир қатор олимлар томонидан спортнинг сузиш туридаги долзарб масалалар тадқиқотининг бутун спектри бўйича болаларда сузиш кўникмаларини шакллантириш, ёш сузувчиларнинг машғулот юктамаларини режалаштириш, талабаларнинг касбий-амалий билим ва кўникмаларини шакллантиришда ўйин методидан фойдаланиш масалалари тадқиқ қилинган². Бироқ мактабгача ёшдаги болалар билан олиб борилган тадқиқотлар етарли эмас.

Булгакова Н.Ж., Герасимова Ю.С., Дудальский В.В., Маряничева Е.Г., Карпенко Е.М., Коротнова Т.П., Кошкодан Е.Н. ўз тадқиқотларида мактабгача таълим муассасаларида, ёзги дам олиш оромгоҳларида ва хусусий сузиш ҳавзаларида мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатишнинг ўйин методини тасвирлаб берганлар³. Бироқ ҳамдўстлик мамлакатлари мутахассисларининг барча тадқиқотлари дастлабки малакалар, яъни сув муҳитини ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, уларда сузиш усулларини ўргатиш билан боғлиқ масалалар кўрилмаган.

Сузиш соҳасидаги етакчи хорижий олимлар Rodomista K., Noble J., Gregeen A., Anja L., Silke S., Friederike N., Lilli A., Katrin B., Jürgen D., Jeffrey N. томонидан болаларга сузишни ўргатишнинг турли методикалари тасвирлаб берилган⁴.

² Краснова Г.М. Формирование профессиональных знаний и умений по плаванию у студентов института физической культуры. Автореф. дис. канд. пед. наук. 2009. С. 8-10; Korbut V.M., Israilova R.G. O'yinlar orqali suzishni o'rganamiz. O'quv-uslubiy qo'llanma. T.: O'zDITI nashriyot-matbaa bo'limi. 2009. В 6-7.

³ Булгакова Н.Ж. Игры у воды, на воде, под водой. М.: Физкультура и спорт. 2000. С. 76; Герасимова Ю.С. Начальное обучение плаванию детей дошкольного возраста с использованием сюжетно-ролевых игр. Автореф. дис. канд. пед. наук. СПб. 2009. С. 24; Дудальский В.В., Маряничева Е.Г. Игры на воде при обучении детей плаванию. Учебное пособие для студентов ИФК. Краснодар. 2007. 111 с.; Карпенко Е.М., Коротнова Т.П., Кошкодан Е.Н. Плавание: игровой метод обучения. М.: Терра-спорт. 2009. С 48.

⁴ Rodomista K. 101 cool pool games for children. Hunter house Inc. Publishers. 2006. P. 265-266.; Noble J., Gregeen A. Swimming games and activities. BLOOMSBURY. 2009. P. 547-549; Anja L., Silke S. Spiele im Wasser. Limpert Herausgeber. 2011. P. 113; Friederike N. 30 x Schwimmen für 90 Minuten: Fertige Stunden von Wassergewöhnung bis zur Verbesserung der Schwimmtechnik. Verlag an der Ruhr Herausgeber. 2013. P. 56; Lilli A. Schwimmen für Kinder: Kreatives Wasserspiel und frühes Schwimmenlernen im Alter von 3-5 Jahren. Meyer&Meyer sport. 2013. P. 83-101; Katrin B., Jürgen D. Ich lerne Schwimmen. Meyer & Meyer Fachverlag. 2015. P. 7; Jeffrey N. Teaching Swimming. Fun and Effective Instruction. Independently published. 2019. P. 74.

Сузишга ўргатиш жараёнида ўйинлар ва сувда ушлаб туриш воситаларидан фойдаланиш, индивидуал машғулотлардан фойдаланиш каби масалалар ўрганилган бўлиб, бироқ тайёргарликнинг спорт-соғломлаштириш босқичида болаларда сузиш рационал техникасининг сифатли шаклланишига таъсир этувчи энг муҳим омилларга асосланган сузиш усуллари ўргатиш методикасини илмий асослаш муаммолари деярли тадқиқ қилинмаган. Шундай қилиб, ўрганилган махсус адабиётларда мактабгача ёшдаги болалар билан ўқув-машғулот жараёнини режалаштириш ва ўқув материални сузишга ўргатиш босқичлари бўйича тақсимлаш, машғулотларининг тузилиши ва мазмуни, сузиш малакаларини шакллантириш кетма-кетлиги ва ўқув вақтини тайёргарлик тури бўйича тақсимлаш, сузишнинг рационал техникасини шакллантириш учун самарали восита ва методларни танлаш, ёш сузувчиларнинг техник ва жисмоний тайёргарлиги бўйича назорат меъёрлари масалаларига оид илмий асосланган тавсиялар етарли эмас.

Шундай қилиб, ўрганилган махсус адабиётларда мактабгача ёшдаги болалар билан таълим ва тарбия жараёнини режалаштириш ва сузишга ўргатиш босқичлари, ўқув машғулотларининг таркиби ва мазмуни, ўқув материалларини тақсимлаш, сузиш кўникмаларини шакллантириш ва машғулотлар вақтини турлари бўйича тақсимлаш, рационал сузиш техникасини шакллантиришнинг самарали воситалари ва усуллари танлаш, ёш сузувчиларнинг техник ва жисмоний тайёргарлигини назорат қилиш стандартлари бўйича илмий асосланган тавсияларни етарли емаслиги тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқоти бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ V/I.29/2 “Сузишга дастлабки ўргатиш услубларини такомиллаштириш” мавзу доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатиш учун тўрт босқичли модулни кўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болалар учун кўкракда крол, чалқанча крол, брасс сузиш усуллари ўргатишда юзага келадиган техник хатоларни тезкор коррекциялаш учун янги тўртбосқичли модулни ишлаб чиқиш;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларда сузиш техник кўникмаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш учун кўкракда крол, чалқанча крол ва брасс усуллари эшиш ҳаракатларида турли шакл ва фазалар мазмунига янги элементларини киритиш;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш элементларига ўргатиш учун кўкракда крол, чалқанча крол ва брасс усулларида асосий ҳаракатларни бажарадиган бўғимларининг ҳаракатчанлигини ошириш учун стречинг воситаларини киритиш;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларнинг сузиш кўникмаларини ўзлаштириш даражаси бўйича юкламаларни тартибга солишда спортча сузиш усулларига ўргатиш услубиятини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳридаги Сув спорт турлари бўйича ИБЎСМ, БЎСМлардаги 4-6 ёшли болаларни спорт-соғломлаштириш гуруҳларида тайёрлаш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига модул дастури бўйича ўргатиш жараёни ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўрови, педагогик кузатув, педагогик назорат, педагогик тестлаш, эксперт баҳолаш услуби, педагогик тажриба, математик статистика усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

спорт-соғломлаштириш гуруҳида шуғулланувчи мактабгача ёшдаги болаларни кўкракда крол, чалқанча крол, брасс усулларини ўргатиш учун сузиш техникасини шакллантиришда юзага келадиган ҳар бир техник хатони тезкор равишда коррекциялашга қаратилган янги тўрт босқичли модул тизими ишлаб чиқилган;

кўкракда крол сузиш усулида сувни қўллар кафт билан ушлаш ва тортиш фазаларида “бумеранг” ҳолатини, чалқанча крол сузиш усулида сувга кириш ва ушлаш фазаларида “қайиқ бурчаги” ҳолатини, брасс усулида сувни ушлаш фазасида қўлларнинг симметрик равишда “тескари бурчак” (“V”) ҳолатини киритиш эвазига сузишнинг техник кўникмаларини самарали ўзлаштирилиш жараёни такомиллаштирилган;

сузишда тана ҳолати, оёқ ва қўллар ҳаракатлари, сувда нафас олиб-чиқариш ҳолатини ва умумий мувофиқликни ўргатиш учун кўкракда крол усулида - елка ва тўпиқ бўғинлари, чалқанча крол усулида - елка ва билак бўғинлари, брасс усулида - тизза ва тўпиқ бўғинларидаги ҳаракатчанлигини оширишга йўналтирилган ўйин усулидаги стречинг машқларини киритиш орқали сузиш техника элементларини ўзлаштириш имкониятлари кенгайтирилган;

спорт-соғломлаштириш босқичининг дастур материалларини ўзлаштириш даражаси бўйича юкламаларни тартибга солишда мактабгача ёшдаги болаларни сув мухити билан танишиш, юзни сувга ботириш, сувда кўзларни очиш, сувнинг остига шўнғиш, сувни юзасида сирпаниш кўникмани ривожлантирувчи ва спортча сузиш усулларига ўргатиш услубиятини ишлаб чиқиш ҳисобига сузиш кўникмаларига ўргатиш вақти ва воситалари оптималлаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

мактабгача ёшдаги болаларни сузишга ўргатиш омиллари, воситалари, усуллари ва назорат машқлари аниқланган;

мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларини ўргатишнинг модулли дастури ишлаб чиқилган;

сузишнинг рационал техникасини муваффақиятли эгаллашга ёрдам берувчи техник кўникма ва малакаларни ўргатиш жараёни оптималлаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув жисмоний тарбия машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий аҳамияти - тадқиқот натижалари сузишни ўргатиш назарияси ва услубиятини сузиш техникасини самарали шакллантириш учун фойдаланилган ўқув воситаларининг миқдор ва сифат хусусиятлар, назорат меъёрларининг мазмуни бўйича илмий асосланган маълумотлар билан тўлдиради, мактабгача ёшдаги болаларда сузиш усуллари техникасини элементларини шакллантириш кетма-кетлигини ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчиларини саралаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўқув жараёни самарадорлигини ошириш, жисмоний ривожланиш, машғулотларга бўлган мотивацияни шакллантириш, спортга йўналтириш ва саралаш имконини берувчи мактабгача ёшдаги болаларга сузиш усуллари ўргатишнинг модулли дастурини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги болаларга сузиш усуллари ўргатишнинг модул дастурини экспериментал асослаш натижасида:

спорт-соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланадиган мактабгача ёшдаги болалар учун кўкракда крол, чалқанча крол, брасс сузиш усуллари техникасини тавсифларини шакллантиришда юзага келадиган техник хатоларни тезкор равишда коррекциялаш учун янги тўрт босқичли модул дастури Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг 2021 йил 17 майдаги 003506 рақамли гувоҳномаси). Натижада техник хатоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш имкони пайдо бўлди, бу эса сузиш техникасида юзага келадиган техник хатоларни сонини кўкракда крол усулида 3 гача, чалқанча крол усулида 5 гача, брасс усулида 5 гача камайтиришга имкон берган;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларга кўкракда крол, чалқанча крол, брасс сузиш усуллари эшиш ҳаракатларида турли шакл ва фазалар мазмунига янги элементларини киритиш орқали сузишнинг техник кўникмаларини самарали ўзлаштирилиш жараёни юзасидан олинган хулосалар Тошкент шаҳридаги Сув спорт турларига ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси туризм ва спорт вазирлигининг 04-07-08/2020-сон маълумотномаси). Натижада сузиш техникаси элементларини ўзлаштириш даражаси кўкракда крол сузиш усулида

86% ни, чалқанча крол сузиш усулида 74% ни, брасс сузиш усулида 67% ни ташкил этган;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатиш учун ўйин усули орқали стречинг машқларини киритиш ҳисобига елка, биллак, тизза, тўпик бўғинларининг ҳаракатчанлиги ошганлиги эвазига сувда бажариладиган оёқлар ва қўллар ҳаракатларининг техникасини ўзлаштириш жараёни Тошкент шаҳри Олмазор тумани 2-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлигининг 04-07-08/2020-сон маълумотномаси). Натижада бўғинларнинг ҳаракатчанлиги ошганлиги ҳисобига сувда бажариладиган қўллар ва оёқлар ҳаракатларининг техникасини ўзлаштириш даражасини кўкракда крол усулида 57% га, чалқанча крол усулида 51% га, брасс усулида 43% га етказиш имконини берган, ўқув жараёни самарадорлиги 58% га ошган;

спорт-соғломлаштириш босқичида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатиш дастур материалларини ўзлаштириш даражаси бўйича юкламаларни тартибга солишда машғулотларнинг вақтини, воситаларини ва юкламаларини тартибга солиш услубиятини қўллаш бўйича таклифлар “Болаларни сузишга ўргатиш методикаси” номли ўқув қўлланма мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 1 мартдаги 110-101-сон гувоҳномаси). Натижада болаларнинг жисмоний тайёргарлиги 36% га, махсус-ҳаракатли тайёргарлиги 24% га, сузиш тайёргарлиги 42,8% га, дастур материалларини ўзлаштириш даражаси 21,8% га ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий-услубий иш, жумладан, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 4 та мақола (2 республика ва 2 хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш қисми, 4 та бобдан иборат бўлиб, 124 саҳифа матн, 15 та расм, 25 та жадвал, хулосалар ва амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзуси тадқиқот бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқотдан олинган натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва

амалий аҳамияти, жорий этилиши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатиш муаммосининг ҳолати”** деб номланган 1-бобида мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатиш ва машғулотларни ташкил этиш, спорт захираларини тайёрлаш, рационал тарбиялаш, жисмоний ривожлантириш масалалари бўйича илмий-услубий адабиётлар таҳлили берилган. Т.И.Осокина, И.С. Васильев, Dietze B., Katrin B., Jürgen D. тадқиқотларида болаларни 5-7 ёшда сузишга ўргатишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Хорижий ва мамлакатимиз муаллифларининг маълумотларига кўра, мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатишда индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, бу боланинг қобилятини янада ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Муаллифлар Булгакова Н.Ж., Дейв С., Скотт Р., Mark Y. ўз тадқиқотларида сузиш кўникмаларини кўп сонли тайёргарлик машқларини ўзлаштириш орқали эришилишини таъкидлаганлар. Мавжуд методикалар сузиш усулларининг дастлаб кўл ва оёқларнинг ўзгарувчан ҳаракатларига эга кўкракда ва чалқанча крол усулларида бошлаб ўргатиш билан характерланади. Ҳозирги кунда бу ҳолат мактабгача ёшдаги болаларни ўқитиш методикасида ҳам кенг тарқалган.

Баранин И., Булгакова Н.Ж., Герасимова Ю.С., Корбут В.М., Barbara S., Britta B., Noble J., Gregeen A. лар ўз асарларида сувдаги ўйинлар болаларни сувдан кўркмасликка ўргатиш, унга мослашиш, дастлабки кўникмаларга: сувда туриш маҳорати, сув ичида кўзни очиш, сувга бош билан шўнғиш, кўл ва оёқлар билан ҳаракатларни бажариш, сув юзасида сирпаниш ўргатишнинг энг самарали усули эканлигини очиб берганлар. Мактабгача ёшдаги болаларда ўйинлар ёрдамида жисмоний ривожланиш жараёнининг кечиши стимулланади.

Шундай қилиб, махсус адабиётлар таҳлиладан маълум бўлишича, мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатишда болаларнинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш, спорт-соғломлаштириш гуруҳларида мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатиш жараёнини оптималлаштириш лозим.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкил этиш”** деб номланган 2-бобида қўлланилган тадқиқот усуллари, асосий педагогик тажрибани ташкил этиш ва ўтказиш хусусиятлари, бажарилган ишларнинг кетма-кетлиги ва тузилиши, ҳар бир усулнинг қисқача мазмуни ҳамда фойдаланиш бўйича тавсиялар батафсил баён этилган.

Тадқиқот уч босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқичда (2019 йилнинг март ойидан август ойигача) адабиётлар таҳлили ўтказилди, тадқиқотнинг асосий йўналиши, мақсади ва вазифалари шакллантирилди ва сузиш бўйича малакали мутахассислар ўртасида сўровнома ўтказилди. 4-6 ёшли болаларни сузиш усулларида ўргатишнинг услубий хусусиятларини аниқлаш учун Тошкент шаҳридаги болалар спорт мактабларида ўқув машғулоти жараёнининг педагогик кузатувлари ўтказилди. Амалиётчиларнинг сўровномаси ва адабиёт манбаларидан олинган

маълумотларни таҳлил қилиш натижалари асосида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатишнинг модуль дастури ишлаб чиқилди.

Иккинчи босқичда (2019 йил сентябрдан 2020 йил августгача) асосий педагогик тажриба Тошкент шаҳридаги сув спорти бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, Юнусобод ва Олмазор туманлари 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари базаларида ўтказилди. Тадқиқотга 60 нафар бола жалб қилинди, улар иккита гуруҳга бўлинди: назорат ва тадқиқот, ҳар бирида 30 нафар бола. Тадқиқот жараёнида мактабгача ёшдаги болаларни сузиш усулларига ўргатиш учун модуль дастурни қўллаш самарадорлиги текширилди.

Учинчи босқичда (2020-2021) диссертация иши, хулосалар, амалий тавсиялар, иловалар ва умуман иш ёзилди.

Диссертациянинг “**Мактабгача ёшдаги болаларга сузиш усулларини ўргатиш кетма-кетлигини асослаш**” деб номланган 3-бобида мактабгача ёшдаги болаларга сузишни муваффақиятли ўргатишнинг муҳим омилларини аниқлаш мақсадида илмий-услубий адабиётлар таҳлили орқали ўқув машғулотининг сифатини белгиловчи 53 та омиллар аниқланган. Сузиш соҳасидаги мактабгача ёшдаги болалар билан машғулотларни олиб борадиган маҳаллий амалиётчи мутахассислар ўртасида сўровнома ўтказилиб, сузиш техникаси элементларини ўзлаштирилишига таъсир этувчи 7 та омил аниқланди (1-расмга қаранг).



1 расм. Бошланғич ўргатиш жараёнида сузиш техникаси элементларини рационал ўзлаштиришда таъсир кўрсатадиган омиллар

Аниқланган омиллар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва мактабгача ёшдаги болаларга сузишни ўргатишнинг хорижий дастурларининг таҳлили асосида, спорт-соғломлаштириш гуруҳларида мактабгача ёшдаги болаларга сузиш усулларини ўргатишнинг модулли дастури ишлаб чиқилди.

Модулли дастур мактабгача ёшдаги болаларнинг физиологик ва жисмоний ривожланишини ҳисобга олган ҳолда қурилган, 2 йил давом этадиган (йилига 312 соатдан) тўртта модулдан иборат. Ҳар бир модулда умумий жисмоний тайёргарлик, махсус ҳаракат тайёргарлик, техник тайёргарлик, сузиш бўйича тайёргарлик воситалари қўлланилади, шунингдек, материални сифатли ўзлаштирилишини назорат қилиш воситалари ҳам мавжуд.

Машғулотларда барқарор қизиқишни шакллантириш ва сақлаб қолиш, чарчашни камайтириш ва эшиш ҳаракатларини шакллантиришда техник кўникмаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш учун машғулотларнинг асосий қисмида ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш лозим. Ўйинлар

иштирокчиларнинг ёши ва тайёргарлигига қараб танланади. Ҳар бир модул якунида назорат меъёрларини топшириш кўзда тутилган (1-жадвалга қаранг).

1 жадвал

Техник кўникмаларини ўзлаштириш самарадорлигини ошириш учун эшиш ҳаракатларининг турли хил шакл ва фазаларини шакллантириш учун сувдаги ўйинлар

Ў/м	Кўкракда крол	Чалқанча крол	Брасс
1	“Ўқ”, “Тортиш”, “Торпеда”, “Ким олдинроқ”, “Кимнинг рекорди?”, “Ўқ учади”, “Ёмғир”	“Қайиқчалар”, “Акробатлар”, “Ўқлар”, “Сирпаниш эстафетаси”, “Қайиқлар сузаяпти”, “Карусель”	“Товонларни кўрсатинг”, “Ушлаб қол”, “Қуёш ва ёмғир”, “Соатлар”, “Лайлақлар келяпти”, “Қурбақалар”
2	“Фаввора”, “Тортиш”, “Тортишмачок”, “Балиқ тўрда”, “Уچار балиқ”, “Тимсоҳ”, “Ўйинчоққа кеч қолма”	“Ким қандай сузади”, “Дельфин сакраши”, “Тортишда”, “Сузишга хат билан”, “Қозон”, “Ғозлар”, “Поезд”, “Лайлақлар”	“Товонлар билан итарил”, “Товонларда юриш”, “Ғилдиракча”, “Қисқичбақа- ташувчи”, “Музёра”, “Қайиқлар сузаяпти”
3	“Тегирмон”, “Сувда волейбол”, “Тўпни ким олдинроқ ташлайди”, “Ким камроқ эшишни бажаради”, “Ғаввослар”	“Қувиб ўтишлар”, “Эшқакли қайиқчалар”, “Тебранма стул”, “Винтсимон крол”, “Денгиз жанги”, “Ёмғир”, “Шабда”	“Ялмоғиз кампир”, “Қайиқни ушлаб ол”, “Чегарачилар кесишуви”, “Қўнғиз-ўргимчак”, “Сувни ушлаб ол”, “Тўпни олиб юриш”
4	“Деньфин сакраши”, “Ким чакконроқ”, “Тўр”, “Тўнка-тўнка ўйини”, “Қайиқлар”, “Винг” ёки “Паррак”, “Пароход – секин юрар”	“Ўйинчоқ, суз!”, “Бўрича”, “Мен сузаяман”, “Мўйловли лаққа балиқ”, “Сув тагига оёқни қўймасдан, ким ҳаммадан узоққа суза олади?”	“Сузувчилар”, “Кимнинг звеноси тезроқ йиғилади?”, “Балиқ ўлжаси”, “Тўсиқлар билан эстафета”

Мактабгача ёшдаги болалар билан олиб борилган амалий ишларнинг узоқ йиллик тажрибаси шуни кўрсатдики, машғулотларни сифатли ташкил этиш, ўйинлардан фойдаланиш, материалнинг ўзлаштирилишини назорат қилиш учун гуруҳнинг ҳар бир ёш оралиғида микдорий таркиби қуйидагича тақсимланиши зарур: 4-5 ёш 5-8 нафар бола; 5-6 ёш 6-10 нафар бола. Гуруҳда болалар сонининг ошиб кетиши машғулот сифатини пасайтиради, чунки мураббий ҳар бир болага эътибор бера олмайди, машғулот давомида барча шуғулланувчиларни назорат қила олмайди ва машғулотни хавфсизлигини таъминлай олмайди.

Модуль дастурида акс этган ўтказиш назорат-норматив меъёрларида кўзда тутилган зарур малака ва кўникмаларни таҳлил қилиш, сузиш усулларини ўргатишнинг омилли тузилиши, ўқитиш жараёнида қўлланиладиган восита ва методлар ўқув-машғулот жараёни доирасида ўқув материални рационал тақсимлаш тамойилига асосланган ҳолда 4 модулни шакллантириш имконини берди (2-жадвалга қаранг).


Сузиш усулларига ўргатишнинг биринчи модулида қуйидаги вазифалар белгилаб берилган: сув муҳитининг хусусиятлари билан таништириш; сувга хавфсиз кириш; сувда турли усуллар билан ҳаракатланиш; сачратиш, устидан сув қуйиш, тўғри нафас олиш ва чиқаришни ўзлаштириш; юзни сувга ботириш; сув ичида кўзни очиш; сувга шўнғиш, сув юзасига чиқиш ва ётиш; сув юзасида сирпаниш.

Сузиш усулларига ўргатишнинг иккинчи модулида кўкракда крол усулида сузиш техникаси элементларига ўргатиш вазифаси қўйилди. Чунки мактабгача ёшдаги болалар билан ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таълимнинг дастлабки босқичида сузиш кўникмаларини эгаллашнинг энг самарали йўли кўкракда крол усулида сузиш ҳисобланади.

2 жадвал

Мақтабгача ёшдаги болаларда техник тавсифларини шакллантириш ва учрайдиган ҳатоларни коррекциялаш
учун сузиш усулларига ўргатиш модуллари

Модул	Вазифалар	Учрайдиган ҳатолар	Коррекциялаш	Кутиладиган натижалар
1 ўргатиш модули	Сув мухити билан танишиш; хавфсиз сувга кириш; сувда турли хил юришлар; сувни сачратиш, устидан сув қуйиш, чайиниш, туғри нафас олишни ва чиқаришни ўзлаштириш; юзни сувга тушириш; сувда кўзларни очиш; шунғиш, сувнинг юзасида ётиш; сувнинг юзасида сирпаниш	Мувозатни ёқотиш; бемаром нафас чиқариш; бурун орқали нафас олиш; “ўтирган” тана ҳолати; кўллар, оёқлар чўзиламаган; бош сувга тушган	Жойдан туриб икки оёқ билан юқорига сакраш; бир маромда нафас чиқариш; тананинг туғри ҳолатини куруқликда шакллантириш машқлари	Сув хавзасининг тубида ҳаракатланиш, сувда туғри нафас олиш ва чиқариш, сув остида кўзларни очиш, сувнинг юзасида ётиш ва сирпаниш малакаси
2 ўргатиш модули	Кўкракда крол усулида оёқлар ҳаракатини, кўкракда крол усулида кўллар ҳаракатини, ҳаракатлар мослашувини ўзлаштириш. Ҳамда олдин ўзлаштирилган кўникмаларини такомиллаштириш: туғри нафасни олиш ва чиқариш; сувда кўзларни очиш; шунғиш, сувнинг юзасида ётиш; сувнинг юзасида сирпаниш	Тана ён томонларга қайилади; бошнинг кескин ҳаракатлари; тананинг қатта ҳужум бурчаги; тирсакнинг “тушиб кетиши”; ён билан эшиш; кўл сувга киришда “уриши”; ҳаракатлар амплитудаси жуда юқори	Тананинг туғри ҳолатини куруқликда шакллантириш; сирпаниш машқларида нафас олиш ва чиқаришни ўрганиш; элементал бўйича эшиш ҳаракатлари; текис оёқлар билан ҳаракатланиш	Оёқлар, кўллар ва умумий ҳаракатлар мослашувининг рационал техникаси
3 ўргатиш модули	Чалқанча крол усулида оёқлар ҳаракатини, чалқанча крол усулида кўллар ҳаракатини, ҳаракатлар мослашувини ўзлаштириш. Ҳамда олдин ўзлаштирилган кўникмаларини такомиллаштириш: туғри нафасни олиш ва чиқариш; кўкракда крол усулида оёқлар ҳаракатини, кўкракда крол усулида кўллар ҳаракатини, ҳаракатлар мослашувини	Тиззаларнинг сувдан чиқиши; кўлларнинг ён тарафдан олиб ўтиш; текис чизик бўйлаб эшиш; “кайик бурчаги” мавжуд эмаслиги	Текис оёқларда сузиш; панжани вертикал ҳолатда ушлаш қафт юқорига; элементал бўйича эшиш ҳаракатлари	Оёқлар, кўллар ва умумий ҳаракатлар мослашувининг рационал техникаси
4 ўргатиш модули	Брасс усулида оёқлар ҳаракатини, усулида кўллар ҳаракатини, ҳаракатлар мослашувини ўзлаштириш. Ҳамда олдин ўзлаштирилган кўникмаларини такомиллаштириш: кўкракда ва чалқанча крол усулида оёқлар, кўллар ва ҳаракатлар мослашувини	Тананинг қатта ҳужум бурчаги; тиззаларнинг қоринга тортиш; оёқларнинг дельфинсимон ҳаракатлари; эшиш елка чизигидан чиқиб кетиши	Сув юзасидан ийакни узмасдан сузиш; кўллар билан оёқ қафтларини ушлашга ҳаракат қилиш; прогрессив эшиш ҳаракатини шакллантириш	Оёқлар, кўллар ва умумий ҳаракатлар мослашувининг рационал техникаси




2 расм. Ўргатиш модулларида юкламаларни тартибга солиш системаси

Учинчи модулда чалқанча крол усулида сузиш техникаси элементларига ўргатиш вазифаси кўйилди. Чунки, ҳаракатланиш тузилиши бўйича бу усул кўкракда крол усулида сузиш ҳаракатларига ўхшаш.

Якуний модулда ҳаёт учун зарур бўлган катта амалий аҳамиятга эга сузишнинг брасс усули техникаси элементлари ўргатилади. Бундан ташқари, боланинг сузишнинг у ёки бу ҳаракатларини ўзлаштиришга индивидуал қобилиятини, яъни сузиш усули элементларининг ўзлаштиришга мойиллигини аниқлаш муҳимдир (2 расмга қаранг).

Диссертациянинг “Мақтабгача ёшдаги болаларга сузиш усулларини ўргатишнинг модулли дастурини амалга ошириш самарадорлигини таҳлил қилиш” деб номланган 4-бобида мақтабгача ёшдаги болалар учун сузиш усулларини ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган, техник ва жисмоний тайёргарлик воситаларининг оқилона ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган модулли дастурни эспериментал синовдан ўтказиш мақсадида педагогик тажриба ўтказилди (3 расмга қаранг).



3 расм. Умумий жисмоний, махсус ҳаракатлар, техник, сузиш тайёргарликларнинг нисбати, %

Тажрибада иштирок этаётган сузувчиларнинг жисмоний, махсус-ҳаракатли ва сузиш тайёргарлигининг дастлабки даражасини аниқлаш мақсадида назорат тести ўтказилди (3-жадвалга қаранг).

3 жадвал.

Тажрибадан олдин назорат ва тажриба гуруҳлари сузувчиларининг жисмоний, махсус ҳаракатли, сузиш тайёргарлик даражаси (4-5 ёш)

Меъёрлар	НГ n=30			ТГ n=30		
	$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$ (қиз.)	$\bar{x} \pm \sigma$ (ўғил.)	$\bar{x} \pm \sigma$	$\bar{x} \pm \sigma$ (қиз.)	$\bar{x} \pm \sigma$ (ўғил.)
Жисмоний тайёргарлик						
1	11,50±0,47	12,15±0,28	11,31±0,31	11,51±0,42	12,14±0,31	11,32±0,21
2	2,76±0,17	2,66±0,11	2,80±0,17	2,76±0,15	2,68±0,12	2,79±0,14
Махсус ҳаракатли тайёргарлик						
3	3,36±0,45	3,43±0,53	3,30±0,45	3,41±0,41	3,43±0,53	3,40±0,41
4	3,33±0,26	3,41±0,23	3,31±0,22	3,20±0,25	3,33±0,22	3,21±0,21
Сузиш тайёргарлиги						
5	2,04±0,35	1,87±0,39	2,09±0,35	2,03±0,48	1,92±0,36	2,07±0,48

Изоҳ: 1-моксисмон югуриш 3x10 м; с.; 2-тўлдирма тўпни улоқтириш 1 кг; м; 3-олдинга эгилиш, оёқлар биргалашган, тиззалар бўкилмади, баҳо; 4-текис қўлларни олдинга-орқага айлантириш, баҳо; 5-сирпаниш узунлиги, м.

3-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, 3x10 метрга моксисмон югуриш тести натижасининг ўртача кўрсаткичи назорат гуруҳида

11,5 сонияни, тажриба гуруҳида эса 11,51 сонияни ташкил этган. Назорат гуруҳида қизлар ўртасида ўртача кўрсаткич 12,15 сонияни, тажриба гуруҳи қизлари ўртасида ўртача кўрсаткич 12,14 сонияни ташкил этди. Назорат гуруҳининг ўғил болалари ўртача кўрсаткичи 11,31 сонияни, тажриба гуруҳида 11,32 сонияни ташкил этди.

1 кг ли тўлдирма тўпни улоқтириш меъёрида назорат ҳамда тажриба гуруҳларининг ўртача кўрсаткичи 2,76 метрни ташкил этди. Худди шу меъёрида назорат гуруҳ қизлари ўртасидаги ўртача кўрсаткич 2,66 метрни, тажриба гуруҳида 2,68 метрни ташкил этди. Ўғил болалар ўртасидаги ўртача кўрсаткич назорат гуруҳида 2,8 метр, тажриба гуруҳида эса 2,79 метрни ташкил этди.

Турган ҳолда олдинга эгилиш меъёрида назорат гуруҳининг ўртача кўрсаткич 3,36 баллни, тажриба гуруҳининг ўртача балли 3,41 ни ташкил этиб, иккала гуруҳ қизлари ўртача кўрсаткичи 3,43 балл, ўғил болалар ўртасида эса назорат гуруҳ да 3,3 баллни, тажриба гуруҳида 3,4 баллни ташкил этди.

Кўлларни бирлаштириб олдинга-орқага айлантириш меъёри ҳам балларда баҳоланди, назорат гуруҳидаги ўртача кўрсаткич 3 баллни ташкил этди, 30 нафар тажриба иштирокчиларидан 9 нафари меъёрни минимал баҳога топширган бўлса, қолган иштирокчилар меъёрни бажара олишмади. Худди шу меъёрида тажриба гуруҳидаги ўртача кўрсаткич, шунингдек, ўғил болалар ва қизлар ўртасидаги ўртача кўрсаткич 3 баллни ташкил этди. Шу билан бирга, гуруҳдаги тажриба иштирокчиларининг асосий қисми меъёрни топшира олишмади, назорат гуруҳидаги 30 нафар болалардан фақатгина 9 таси меъёрни “3” баҳога топширди, бу эса умумий қийматнинг 30% ини ташкил этади.

Сув ҳавзаси деворидан икки оёқ билан депсиниб сувда узунликка сирпаниш меъёрида назорат гуруҳидаги ўртача кўрсаткич 2,04 метрни, қизлар ўртасида 1,87 метр, ўғил болалар ўртасида эса 2,09 метрни ташкил этди. Узунликка сирпаниш меъёрида тажриба гуруҳи ўртача 2,03 метр, қизлар 1,9 метр, ўғил болалар эса 2,07 метр кўрсаткичи аниқланди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар иккала гуруҳнинг тажриба олдида жисмоний, техник ва сузиш тайёргарлигининг бошланғич даражаси бир хил бўлган.

Сузиш техникасини ўрганиш соҳасидаги кўплаб тадқиқотлар маълумотларига кўра, елка ва тўпиқ бўғимларининг ҳаракатчанлиги эшишни бажаришда ва сув юзасидан депсинишда муҳим рол ўйнайди. Бўғимларнинг эгилювчанлиги ва ҳаракатчанлиги етарли даражада ривожланмаганлиги оёқларнинг ишлаш техникаси ва кўлларнинг эшиш ҳаракатининг амплитудасининг бузилишига олиб келади, бу эса мактабгача ёшдаги болаларда сузиш кўникмаларини шакллантириш жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради. Модулли дастур турли хил сузиш усулларида тўғри техникани шакллантириш учун керакли бурчаклар ва амплитудасини ҳосил қиладиган биллак, елка, тизза ва тўпиқ бўғинларида эгилювчанликни ва ҳаракатчанликни ривожлантирувчи машқлар мажмуасини ўз ичига олган. (4-жадвалга қаранг).

Модул дастурида кўзда тутилган ўқув материални ўзлаштириш самарадорлигини мониторинг қилиш мақсадида ўқув босқичи якунида етакчи жисмоний ва махсус-ҳаракатли сифатларнинг ривожланиш даражасини назорат синовидан ўтказиш режалаштирилди (5-жадвалга қаранг).

4 жадвал

Мактабгача ёшдаги болаларга сузиш техникаси элементларини ўргатиш учун бўғинлардаги ҳаракатчанликни ривожлантириш учун машқлар

<p>Кўкракда крол – елка ва тўпик бўғинларида ҳаракатчанликни ривожлантириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> - кўллар тана бўйлаб елка бўғинларини олдинга орқага айлантириш. - кўллар тирсақдан бўкилган, тирсақдан тирсақкача (текис чизик) параллел ушлаб, тиклакларни ерга қаратмасдан туриш. - ўзига ва ўздан айлана ҳаракатларни бажариш. - бир вақтда икки кўлни бир ва бошқа томонга айлантириш. - ҳар бир йўналишда 6-10 марта кўлларни айлантириш. - елкаларни айлантириш. - текис кўллар билан тўлик амплитудани сақлаб олинган ва орқага айлантириш, биринчи секин ва майин, ҳар ҳаракатга темпни ошириш. - текис кўлларни 6-10 марта олдинга-орқага айлантириш. - тик турган ҳолда текис кўлларни ён томонларга қаратиб, кўкрак қафасини сал олдинга бериб, кўллар билан қарама-қарши елкаларни ушлаб тортиш, чўзилиш. - ерга ўтирган ҳолда оёқларни олдинга чўзиб, кўллар билан орқада ерга таянган ҳолда тўпик бўғинларини ўзига ва ўздан айлантириш. - ерга ўтирган ҳолда оёқларни олдинга чўзиб, кўллар билан орқада ерга таянган ҳолда тўпик бўғинларини айланма ҳаракатлантириш. Ҳар бир машқни 6-12 марта такрорлаш
<p>Чалқанча крол - елка ва биллак бўғинларида ҳаракатчанликни ривожлантириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> - кўллар тана бўйлаб елка бўғинларини олдинга орқага айлантириш. - кўллар тирсақдан бўкилган, тирсақдан тирсақкача (текис чизик) параллел ушлаб, тиклакларни ерга қаратмасдан туриш. - ўзига ва ўздан айлана ҳаракатларни бажариш. - бир вақтда икки кўлни бир ва бошқа томонга айлантириш. - ҳар бир йўналишда 6-10 марта кўлларни айлантириш. - елкаларни айлантириш. - текис кўллар билан тўлик амплитудани сақлаб олинган ва орқага айлантириш, биринчи секин ва майин, ҳар ҳаракатга темпни ошириш. - текис кўлларни 6-10 марта олдинга-орқага айлантириш. - тик турган ҳолда текис кўлларни ён томонларга қаратиб, кўкрак қафасини сал олдинга бериб, кўллар билан қарама-қарши елкаларни ушлаб тортиш, чўзилиш. - ўтирган ҳолда текис кўлларни ён томонларга қаратиб биллакларни айлантириш. - кўлларни мушт ҳолатида олдинга-орқага айлантириш. - ерда “стол” ҳолатини қабул қилиб, биллакларни елка бўғинларининг тегида жойлаштириб, 8-15 сония чўзилиш.
<p>Брасс - тизза ва тўпик бўғинларида ҳаракатчанликни ривожлантириш</p>	<ul style="list-style-type: none"> - ерга ўтирган ҳолда оёқларни олдинга чўзиб, биттасини кўтариб тизза бўғинида букиб айлантириш, тизза бўғинининг ҳаракатчанлигининг кивожлантириш. - оёқларни ҳолатини ўзгартириб, бошқа оёқ билан худди шу ҳаракат. - ерга ўтирган ҳолда оёқларни олдинга чўзиб, кўллар билан орқада ерга таянган ҳолда тўпик бўғинларини ўзига ва ўздан айлантириш. - ерга ўтирган ҳолда оёқларни олдинга чўзиб, кўллар билан орқада ерга таянган ҳолда тўпик бўғинларини айланма ҳаракатлантириш. Ҳар бир машқни 6-12 марта такрорлаш.

5-жадвал.
 Ўргатиш модулларида назорат ва тажриба гуруҳ сузувчиларининг махсус ҳаракатлар, техник тайёргарликларнинг даражаси

Меъёрлар	Назорат гуруҳи										Тажриба гуруҳи									
	1 модуль		2 модуль		3 модуль		4 модуль		1 модуль		2 модуль		3 модуль		4 модуль					
	$\bar{x} \pm \sigma$	n	$\bar{x} \pm \sigma$	n																
«Чигирткалар» 25 метр	23,4±4,76	1 0 5 24	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	24,7±1,05	0 0 2 28	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5	2 3 4 5				
«Мошнлар пойғаси» 25 метр	23,6±3,46	3 0 2 25								24,8±0,91	0 0 1 29									
«Кимнинг ўйинчоғи олдинда?» 15 метр	14,5±1,22	0 1 4 25								14,9±0,36	0 0 1 29									
«Қим сувага яхшироқ 10 марта нафас чиқара оладми?»	9,9±0,25	0 0 2 28								10±0	0 0 0 30									
«Сувошти кемаларин» 1 марта	0,86±0,35	1 1 2 26								1±0	0 0 0 30									
«Диккат билан қара» 5 шакл	4,4±1,28	0 0 7 23								4,9±0,25	0 0 2 28									
«Пўкак» 15 сония	14,3±1,17	0 0 10 20								15±0	0 0 0 30									
«Юлдузча» 15 сония	13,4±1,57	0 3 16 11								14,9±0,57	0 0 2 28									
«Улар» 15 метр	23,4±4,76	0 0 14 16								15±0	0 0 0 30									
Кўрақла крол усулда оёқлар ёрдамида 25 метр сузиш			2,7±0,78	14 10 6 0								4,53±0,51	0 0 14 16							
Кўрақла крол усулда кўлар ёрдамида 25 метр сузиш			2,4±0,56	19 10 1 0								4,33±0,61	0 2 16 12							
Кўрақла крол усулда 25 метр тўлиқ координанияда сузиш			2,36±0,49	19 11 0 0								4,23±0,57	0 2 19 9							
Кўрақла крол усулда 25 метр тўлиқ координанияда мусобақа телигида сузиш			2,26±0,45	22 8 0 0	2,53±0,51	14 16 0 0	2,53±0,51	14 16 0 0				4,23±0,57	0 2 19 9	4,23±0,57	0 2 19 9					
Чалканча крол усулда сузиш					3,16±0,55	2 21 7 0						4,53±0,51	0 0 14 16							
Чалканча крол усулда кўлар ёрдамида 25 метр сузиш					2,83±0,55	7 21 2 0						4,3±0,61	0 2 16 12							
Чалканча крол усулда 25 метр тўлиқ координанияда сузиш					2,76±0,45	7 23 0 0						4,23±0,57	0 2 19 9							
Чалканча крол усулда 25 метр тўлиқ координанияда мусобақа телигида сузиш					2,93±0,45	20 10 0 0	2,34±0,48	20 10 0 0				3,88±0,7	0 10 15 5	3,88±0,7	0 10 15 5					
Брасс усулда оёқлар ёрдамида 25 метр сузиш					2,93±0,45	4 24 2 0						4,53±0,51	0 0 14 16	4,53±0,51	0 0 14 16					
Брасс усулда кўлар ёрдамида 25 метр сузиш					2,46±0,63	18 10 2 0						4,3±0,61	0 1 17 12	4,3±0,61	0 1 17 12					
Брасс усулда 25 метр тўлиқ координанияда сузиш					2,3±0,47	21 9 0 0						4,23±0,57	0 2 19 9	4,23±0,57	0 2 19 9					
Брасс усулда 25 метр тўлиқ координанияда мусобақа телигида сузиш					2,33±0,48	20 10 0 0						3,53±0,51	0 14 16 0	3,53±0,51	0 14 16 0					

Ўқитишнинг 1 модули якунида “Сувда ҳаракатланиш” кўникмасини ўзлаштириш сифатини баҳолаш учун “Чигирткалар” ва “Машиналар пойгаси” ўйин тестлари олинган. Иккала тестлар масофаси метрда келтирилган. Жадвалда берилган маълумотлардан кўриниб турибдики, “Чигирткалар” тестини назорат гуруҳининг 24 нафар иштирокчиси топширган, бу гуруҳнинг 80% ни ташкил этади. “Машиналар пойгаси” тестини эса гуруҳнинг 25 нафар иштирокчиси, яъни 83,3% бажарди. Тажриба гуруҳининг 28 нафар иштирокчиси “Чигирткалар” тестини муваффақиятли топширишди, бу эса гуруҳ иштирокчилари умумий сонининг 93,3% ни ташкил этади. “Машиналар пойгаси” тестини ҳам гуруҳнинг 30 нафар иштирокчисидан 29 нафари, яъни 96,6% муваффақиятли бажарди.

“Сувда нафас олиш” кўникмасини ўзлаштириш сифати “Кимнинг ўйинчоғи олдинда?” ва “Ким сувда яхшироқ 10 марта нафас чиқара олади?”. “Кимнинг ўйинчоғи олдинда?” тести метр билан ўлчаниб, бунда бола ўйинчоқни 15 метрга сура олиши керак. “Ким сувда яхшироқ 10 марта нафас чиқара олади?” тести сувда бажарилган нафас чиқаришлар сони билан ўлчанди. Назорат гуруҳида “Кимнинг ўйинчоғи олдинда?” тест синовидан ўтган болалар сони 25 нафар, яъни 83,3% ни ташкил этди. “Ким сувда яхшироқ 10 марта нафас чиқара олади?” тести гуруҳнинг 28 нафари томонидан бажарилиб, гуруҳ яхши натижа кўрсатди ва 93,3% ушбу меъёрни топширди. “Кимнинг ўйинчоғи олдинда?” тестини тажриба гуруҳининг 29 нафари бажарди, бу эса гуруҳнинг 96,6% ини ташкил этди. “Ким сувда яхшироқ 10 марта нафас чиқара олади?” тестини 30 нафар иштирокчи бажарди, яъни тажриба гуруҳининг 100% синовдан муваффақиятли ўтди.

“Сувда кўзларни очиш” кўникмасини ўзлаштириш сифати “Сувости кемалари” ва “Диққат билан қара” тестлари ёрдамида баҳоланди. “Сувости кемалари” тестини назорат гуруҳидагиларнинг 26 нафари, яъни 86,6%, “Диққат билан қара” тестини 28 нафари, яъни 93,3% топширди. Тажриба гуруҳининг барча иштирокчилари, яъни 100% иккала тестдан муваффақиятли ўтишди.

“Сувда устида ётиш” кўникмасини ўзлаштириш сифатини баҳолашда “Пўкак” ва “Юлдузча” тестларидан фойдаланилди. Иккала тестдан муваффақиятли ўтиш учун болалар 15 сония давомида сув юзасида ётишлари керак. “Пўкак” тестини назорат гуруҳининг 20 нафар (66,6%) болалари бажаришди, бу эса анча паст кўрсаткич ҳисобланади. “Юлдузча” тестини топширишда болаларнинг 11 нафаригина сув юзасида 15 сония тура олишди, бу эса тажриба иштирокчилари умумий сонининг 36,6% ни ташкил этади. “Пўкак” тестини, аввалги тестлар каби, тажриба гуруҳи иштирокчиларининг 100% бажарди, бу эса жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади. “Юлдузча” тестини топширишда 28 нафар (93,3%) бола сув юзасида 15 сония давомида тура олди, бу ҳам яхши кўрсаткичдир.

“Сирпаниш” кўникмани ўзлаштириш сифатини баҳолаш учун “Ўқлар” тести олинди. Назорат гуруҳидаги 16 нафар бола 15 метрга сирпанишни бажаришди, бу эса гуруҳнинг 53,3% ни ташкил этди. Ушбу тестда тажриба гуруҳининг барча иштирокчилари 15 метрга сирпанишни бажариб, гуруҳнинг 100% ушбу тестдан муваффақиятли ўтди.

Иккинчи модулнинг якунида иштирокчиларнинг кўкракда крол усулида сузиш техникаси элементларини ўзлаштириш сифатини баҳолаш учун тўртта назорат меъёрини топшириш кўзда тутилди. Баҳолаш барча тўртта тестни умумлаштириш асосида амалга оширилди. Биринчи 25 метрни кўкракда крол усулида оёқларда сузиб ўтиш меъёрида, назорат гуруҳининг 16 нафар иштирокчиси “3” ва ундан юқори баҳони кўрсатишди, бу 53,3% ни ташкил этади. Тажриба гуруҳида кўкракда крол усулида оёқларда 25 метрни сузиб ўтишда ўртача баҳо 4,53 баллни ташкил этиб, гуруҳнинг барча иштирокчилари меъёрни бажаришди.

Иккинчи, 25 метрни кўкракда крол усулида қўлларда сузиб ўтиш тестида назорат гуруҳининг 11 нафар иштирокчиси “3” ва юқори баҳо олишди, демак, гуруҳнинг 36,6% гина бу кўникмани ўзлаштирган. Тажриба гуруҳида тест учун ўртача баҳо 4,33 баллни ташкил этди ва гуруҳ иштирокчиларининг 100% ушбу меъёрни топширди.

Кейинги 25 метрни кўкракда крол усулида тўлиқ координацияда сузиб ўтиш тестида, назорат гуруҳининг 36,6% - “3” ва ундан юқори баҳо олди. Тажриба гуруҳидагиларнинг 100% ушбу вазифани бажарди ва ўртача 4,23 баллга эга бўлди.

Болаларда тезликда сузиш вақтида кўринадиган хатоларни аниқлаш учун махсус берилган 25 метрни кўкракда крол усулида тўлиқ координацияда мусобақа тезлигида сузиб ўтиш тестида, кўникма автоматизм даражасигача етказилмаганлиги сабабли, назорат гуруҳи иштирокчиларининг 8 (26.6%) нафаригина масофани мумкин бўлган сонли техник хатолар билан сузиб ўтишга муваффақ бўлди. Тажриба гуруҳидаги барча иштирокчилар масофани тезлик билан сузиб ўтишга эришди ва сузиш техникасига зид бўлмаган сезилмас хатоликларга йўл қўйишди.

Жадвалда берилган маълумотлардан кўришиб турибдики, тажриба гуруҳи иштирокчиларининг барчаси назорат синовларидан ўтган ва у ёки бу элементни ўзлаштириш сифатини баҳолашда гуруҳ бўйича ўртача 4,23 дан 4,53 гача ўзгариб турди, бу эса тажриба иштирокчилари меъёрларни “4” ва ундан юқори баҳоларга топширишди, яъни кўникмаларни намойиш қилишда улар томонидан йўл қўйилган хатолар сони минимал даражада бўлганини кўрсатади.

Ўқитишнинг учинчи модулининг 25 метрга чалқанча крол усулида оёқлар ёрдамида сузиб ўтиш кўникмаларни ўзлаштириш сифатини баҳолаш биринчи меъёрида назорат гуруҳининг 28 нафари “3” ва ундан юқори баҳоларни намойиш қилишди, бу 93,3% ни ташкил этиб, жуда яхши кўрсаткич ҳисобланади, тажриба гуруҳидаги 30 нафар болаларнинг барчаси меъёрни топширди, гуруҳ бўйича ўртача баҳо 4,53 баллни ташкил этди.

Иккинчи тест – 25 метр масофани чалқанча крол усулида қўллар ёрдамида сузиб ўтишда назорат гуруҳининг 23 нафари “3” ва ундан юқори баҳоланишди, демак, гуруҳнинг 76,6% ушбу кўникмани ўзлаштирган, тажриба гуруҳидагиларнинг 100% кўникмани ўзлаштиришди, гуруҳнинг ўртача баҳоси 4,3 баллни ташкил этди.

Кейинги тест – 25 метрни чалқанча крол усулида тўлиқ координацияда сузиб ўтишда назорат гуруҳидагиларнинг 76,6% - “3” ва ундан юқори баҳога эга

бўлишди, тажриба гуруҳининг 100% энг кам техник хатолар билан меъёрни топширишди.

25 метрга кўкракда крол усулида тўлиқ координацияда мусобақа тезлигида сузиб ўтиш тестида назорат гуруҳининг 53,3%, яъни 16 нафар болалар масофани мақбул миқдордаги техник хатолар билан, тажриба гуруҳидагилар 100% сузиб ўтишга муваффақ бўлганликлари кўриниб турибди.

